

НИШОҚ

20 - fevral,
chorshanba
09

(220)

YURIDIK GAZETA

Fevral				
D	4	11	18	25
S	5	12	19	26
Ch	6	13	20	27
P	7	14	21	28
J	1	8	15	22
Sh	2	9	16	23
Y	3	10	17	24

2002

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЎТГАН ҲАФТАДА 2001 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШINI БАҲОЛАШ ҲАМДА 2002 ЙИЛДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ Йўналишларига бағишланган йиғилишида ўтган йилда АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР, ЖОРИЙ ЙИЛДА ҲАМДА ИСТИҚБОЛДАГИ Йўналишлар ҳақида СўЗ ЮРИТИЛДИ

2001 йилда

...жон бошига ялли ички маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари 103,1 фоизни ташкил этди, аҳолининг реал даромадлари эса 16,9 фоизга ортди.

... ялли ички маҳсулот ҳажми — 4,5 фоизга, саноат ишлаб чиқариши — 8,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириши эса — 4,5 фоизга кўпайди.

... ташқи савдо айланмасининг 3,1 фоизга ўсиши таъминланди. Ташқи савдо операцияларида 128 млн. АҚШ долларлари миқдоридagi ижобий сальдога эришилди.

... мамлакатимизнинг барча минтақаларида чет эл сармояси иштирокида 90 та янги корхона ташкил этилди.

... полиэтилен ва суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган, умумий қиймати 1 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган Шўртан газ-кимё мажмуи, Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбати, пахта толасини қайта ишловчи, энг замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозланган «Кабул-Фаргона», «Чиноз тўқимачи» каби янги қўшма корхоналар ишга туширилди.

2002 йил жамиятимизни янгилаш ва ислоҳ қилишда, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш ва обрў-эътиборини юксалтиришда муҳим босқич бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ



2002 йилда

... республика иқтисодий инвестициялаш ҳажми ялли ички маҳсулотга нисбатан 24,5 фоизни ташкил этади. Капитал моблағлар таркибида хорижий инвестициялар ҳиссаси кўпайиб, у жами инвестицияларнинг 30 фоизига ёки 1 млрд. АҚШ долларига тўғри келади.

... солиқ ва бюджет соҳаларини ислоҳ этиш, республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш, бюджетдан ташқари фондлар ролини ошириш борасидаги ишлар давом эттирилади.

... ижтимоий масалаларга устувор аҳамият бериш, бу борада фаол, энг муҳими, кучли ва самарали сиёсат олиб бориш ҳамиша бизнинг диққат марказида бўлган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

... биринчилар қаторида иқтисодий таъминлаш, инфляция даражасини сезиларли равишда пасайтириш ҳамда қатъий молия ва кредит сиёсатини ўтказишга алоҳида аҳамият берилди.

Чоршанбадан Чоршанбагача

14 февраль
Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

16 февраль
«2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг йўналишлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори матбуотда эълон қилинди.

18 февраль
Литва Республикаси Бош вазири Алгирдас Бразаускас расмий таширф билан мамлакатимизга келди.

19 февраль
Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чораларни тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган доимий фаолият юритувчи Соғлом авлод, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва оила тиббий маданияти даражасини ошириш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг ташкилий мажлиси бўлиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Қурбон хайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.
Унга кўра, 22 февраль, жума куни дам олиш куни деб белгиланди.

ТАДБИР

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори ижросига бағишланган вилоят миқёсидаги кўргазмали семинар кенгаши бўлиб ўтди.

Унда вилоятдаги барча туман ва шаҳар прокурорлари, ҳокимликлардаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг раис ва котиблари, туман, шаҳар ички ишлар бўлимларининг вояга етмаганлар бўйича нозирлари, ижтимоий таъминот бўлими бошлиқлари, маҳалла йиғинлари раислари, халқ таълими вакиллари қатнашди. Тадбирда сўзга чиққанлар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолияти ва бу борада эришилган натижалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

(Ўз мухбиримиз)

АНОНС

ТЕРГОВЧИНING ЎТКИР НИГОҲИ

УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАҲРИЙСИ
МАҲМУД ОТА ТУРСУНОВ
ХОТИРАЛАРИДАН

2 - саҳифа

ЯПОНЛАР ҲАЙРАТДА

Бағоят батариб ва тиңчиликсиз японецлар полиция томонидан «саҳналаштирилаётган» тартибсизликларни кўриб, футбол уйини натижасида шунақа тўполонлар келиб чиқиши мумкинлигидан таажубланмоқдалар.

6 - саҳифа

ИЛДИЗЛАРИНГ ҚАЙДА, ИЗТИРОБ?

Шарқда азал-азалдан аёлларнинг ахлоқ-одоби, шарм-ҳаёси юқори баҳоланган. Қизи бор хонадон қавмлари томонидан кўздек асралган. Шунинг учун бўлса керак, аёл доимо гулга қиёсланади.



7 - саҳифа

Моҳият

Адолатсизлик
содир
этайётган
шахс ноҳақ
жабрланаёт-
гандан
бахтсизроқ-
дир.

ДЕМОКРИТ

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Ta'asischilar:

O'zbekiston Respublikasi

Bosh prokuraturasi,

Toshkent shahar va

Toshkent viloyati

prokuraturalari,

«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:**Abdulloq****ABDURAZZOQOV****Tahrir hay'ati:**

Mels Naimov,

Dilshod Islomov

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Shavkat Yodgorov

(mas'ul kotib),

Lola Shomurodova,

Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.**Reklama va e'lonlar:**

133-82-34

E-mail: huquq@lnfonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149
Nusxasi — 20.500

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 19.00

Gazeta haftaning chorshabha kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:**H. NISHONOV****Navbatchi: F.MAMASHARIPOV**

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8**● 2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ**

— Бошқа нарсани ўйлашга фурсат ҳам йўқ эди. Вақт шу қадар тигиз эдики, бир ойда ўнтагача жиноят ишларини тергов қилишимга тўғри келарди. Прокурор ҳам, прокурор ёрдамчиси ҳам, терговчи ҳам ярим кечагача қолиб кетиб, баъзан идорада тонг оттирардик. Шунинг учун пенсияга чиққанымдан кейин бир-икки жойдан юристлик ишини тақлиф қилганларидан кўнамдим. Маҳалла-қўйга қўшилдим, оила-рўзгор юмушларига вақт топдим. Масжидга чиқиб туришга, оқсоқоллар суҳбатидан баҳра олишга одатландим...

назарини ҳимоя қилишни ўрганди. Самижон ака шогирдини вилоят прокуратурасига ишга тавсия қилди. Вилоят прокурори Раҳимахон Хўжаева Маҳмуд акага бир неча туманлардан иш тақлиф қилди. У Қўқон шаҳар прокуратурасини танлади.

— Қўқон шахрига янги прокурор — Холматжон Баннопов тайинланган экан. Иш қалашиб ётарди. Сут заводи, вино заводи, ип йигирув, пайпоқ тўқув фабрикасида давлат мулки кўп миқдорда талон-тарож қилиниши бўйича жиноят ишлари очилганди. Тажрибасизлигим учун қийнал-

ТЕРГОВЧИНИНГ ЎТКИР НИГОҲИ

Маҳмуд ота Иккинчи жаҳон урушининг қатнашчиси. 1942 йилда ҳарбий хизматга чақирилган, Молдовани фашистлар асоратидан озод қилишда иштирок этган. 1945 йилда, ҳали уруш тугамай, уларнинг қисмини Узок, Шарққа кўчиришди. Август ойида япон милитаризмига қарши уруш эълон қилинди. Маҳмуд ота Манчжуриядаги жангларда қатнашди. 1946 йили урушдан қайтгач, тугилиб-ўсган Бағдод туманининг Улат қишлоғида колхозда табелчи, колхоз идораси котиби бўлиб ишлади. Ишлаб юриб, кечки мактабда ўқиди. Ўрта маълумот олди. 1950 йилдан туман судида котиб, ижрочи бўлиб ишлаб бoшлади. Судда ўн тўрт йил меҳнат қилди.

— Судда ишлаб юриб, суд жараёнларида қатнашиб, ноҳақликларни, ҳар хил жиноятчиларни қўрдим. Шу нарса ҳуқуқшунослик касбини танлашимга туртки бўлди. Toshkent юридик институтининг сиртки бўлимига имтиҳон топшириб, талаба бўлдим. Кейин институт Toshkent Давлат университетининг факультетига айланди, дипломи олдим...

Ўша пайтда Самижон ака Азимов туман судининг судьяси эди. Маҳмуджон ўзининг биринчи устозидан китобларни танлаб ўқишни, одамлар тақдири учун қайгура билишни, мустақил фикрлаш, ўз нуқтаи-

Маҳмуд ака Турсуновни Фаргона вилоят прокуратурасининг тергов бўлимига ишга олишди. Бир неча қизларнинг номусига теккан етти кишига нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, охирига ётқизилмасдан ҳаракатдан ётқизилган эди. Марказий матбуот нашрида «Фаргона воқеаси» сарлавҳаси остида мақола босилиб чиққандан кейин иш қайта кўзгатилиб, тергов гуруҳига Маҳмуд ака ҳам кирди. Жиноятчилар орасида юқори лавозимларда ишлайдиган амалдорлар ҳам бор эди. Тергов гуруҳининг раҳбари сиёсатга боғлаб, мужмал гап қилганида Маҳмуд ака ўз нуқтаи-назарини тангал айтди.

— Агар иш ҳаракатдан яна

кимлардир томонидан уюштирилган эди. Оддий фуқаролар тилида ҳам турли тахминлар, миш-мишлар тарқалган. Маҳмуд ака таъзияларга қарамай, терговни охиригача ҳолис ўтказди, суд жараёнида айблов ҳулосаси тўлиқ исботини топди.

— Раҳматли Мамадали Топиволдиевнинг Зодиёнини, Риштонни обод қилишга кўп меҳнати сингган эди, — дейди Маҳмуд ака Турсунов.

Маҳмуд ака мана шу жиноят иши билан шуғулланаётган кезларда вилоят марказидан Зодиёнга келаётди, Риштондаги дўкон олдида сигарет олиш учун тўхтаб, машинадан тушди. Қайтиб чиққанида марҳумнинг укаларидан бири машинада ўтирарди. Катта Фаргона каналига етгунча индамади. Кўприқдан ўтганларидан кейин пичоқ чиқариб Маҳмуд аканинг кўксига тиради. Ҳайдовчига эса машинани тўхтатишни буюрди.

Акамни ўлдиришни буюрганни қамайсиз, деб Қўқондаги йирик бир ташкилот раҳбарининг номини тилга олди. Маҳмуд ака унинг кўзларига тик қаради. Бу нигоҳга бардош беролмаган йигитнинг қўлидан пичоқ тушиб кетди...

— Киши ҳалол бўлса, ҳақлигига ишонса, адолатли иш кўрса, ҳеч нарсдан қўрқмайди. Қўрқдимми, иккиланади, хато қилади. Шукр, тўғри йўлдан адаштирмади... Ўрта бўйли, чўкки соқолли, бекасам тўн, мўйнали телпак кийган отахонни биринчи кўриб турган одам деҳқон деб ўйлайди. Ўн тўрт йил судда, йигирма беш йил прокуратура органларида ишлаганини кўз олдига келтира олмайди. Камтарлик отахоннинг яна бир фазилати. Шогирдларининг айтишича, ҳозир Бағдод тумани прокуратураси жойлашган бино қурилишига Маҳмуд ака сабаб бўлган экан. У кишининг саъй-ҳаракати билан лойиҳа тайёрланиб, бино қурилиши бошланади. 9 ойда янги прокуратура биносини битказиб, фойдаланишга топширишади. Кейин бошқа туманларда ҳам шундай бинолар қурилади.

Маҳмуд ота янги бино битганидан кейин яна бир йил прокурор ёрдамчиси лавозимида ишлаб, 61 ёшида пенсияга чиқади. Маҳмуд ота билан Тожинисо хола икки ўғлини уйлаб, уч қизини турмушга узатишган.

— Невара-чеваралар йигирмадан ортик, — деб кулади отахон. — Мендан пиру бадавлат одам борми! Ёши улугларга иззат-икром халқимизнинг энг яхши удуми, — давом этади у. — Кексани қадрлаган ўзи ҳам кадр топареради.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Хуқуқ» муҳбири

УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАҲРИЙСИ МАҲМУД ОТА ТУРСУНОВ ХОТИРАЛАРИДАН

ётқизилса, мени тергов гуруҳидан чиқаринглар!

Айбланувчилар лавозими, «хомийлари»нинг тергов гуруҳига ўтказган таъийқларига қарамай, содир этган жиноятлари учун судда жавоб берди-лар.

Собиқ Иттифокда, ҳатто чет элларда шов-шувга сабаб бўлган қаҳрамон, колхоз раиси Мамадали Топиволдиевга қилинган суиқасдни тергов қилишдай мураккаб иш ҳам Маҳмуд ака-нинг гарданига тушган эди. Иш сиёсий тус олган. Москва, Белоруссиядан тўхтовсиз сўроқлар ёғилар, делегациялар келиб, терговга ҳалақит беришар, Марказкўм тергов ҳисоботини талаб қиларди. Учкўприқдаги йиғилишда Марказкўм котиби Маҳмуд акани турғизиб қўйиб, уни нотўғри тергов олиб бораётганликда айблади. Бу қотиллик ортида турганларни топишни буюрди. Жиноятнинг мазмун-моҳиятидан беҳабар раҳбарлар назарида М.Топиволдиевга қилинган суиқасд

ПРОКУРАТУРА ЁРДАМ БЕРДИ

Иши-хизматчиларга маош ва нафақаларни ўз вақтида тўлаш чораларини кўраётган корхона-ташкилотлар оз бўлса-да, учраб туради. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳам бу муаммодан мустасно эмас. Бундан ташқари прокуратурасига фуқаролардан шу мазмунда келаётган шикоятлардан ҳам билиш мумкин. Хусусан, «4-son qurilish tresti» ҳиссадорлик жамиятининг бир гуруҳ собиқ хизматчилари туман прокуратурасига мурожаат қилиб, берилиши лозим бўлган иш ҳақи ва нафақаларни ундириб беришни сўраган. Ариза бўйича текширув ўтказилиб, трест раҳбарлари томонидан кўплаб собиқ ишчиларнинг маош ва нафақаларини ўз вақтида берилмагани аниқланди. Қонунбузарлик юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманларо судига даъво аризаси киритилди ва у судда тўла қаноатлантирилиб, собиқ ишчиларнинг корхонада қолиб кетган маблағлари ундириб берилди.

Фуқаро С.Нишонов ва ҳам туман прокуратурасига ариза йўллаб, «Minor qurilish servisi» масъулияти чекланган жамиятда ишлаётган турмуш ўртоғи Х.Нишоновнинг август-ноябрь ойларидеги иш ҳақи берилмай келаётганини баён қилган. У корхона раҳбари Н.Умурзоқовга ҳам бир неча бор ушбу масалада мурожаат этган. Раҳбар эса «отанга бор, онанга бор», қабилида иш кўриб, масалани ҳал қилиш чораларини кўрмаган. Корхона раҳбаридан ҳафсаласи пир бўлган С.Нишонов шаҳар ҳокимиятига ҳам шу мазмунда мурожаат қилган. Кута-кута тоқати тоқ бўлган фуқаро туман прокуратурасига ариза йўллашдан бошқа илож топмаган.

Туман прокуратураси ариза бўйича текширув ўтказганида, шикоят тўла тасдиғини топди. Яъни, жамият томонидан Х.Нишоновга июль-ноябрь ойлари учун 295551 сўм миқдорда иш ҳақи ҳисобланган. Амалда эса унга 34000 сўм тўланган. Туман прокуратураси мазкур қонунбузарлик бўйича ҳам туман судига даъво аризаси киритди ва суд томонидан даъво аризаси тўла қаноатлантирилди.

Б.ИРМАТОВ,
Мирзо Улуғбек тумани
прокурорининг катта
ёрдамчиси

«ХУҚУҚ» почтасидан

«ҲАҚИМИЗНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?»

«Хуқуқ», 2001 йил 41-сон

Мазкур мақола юзасидан текшириш ўтказилганда, Галлаорол туманидаги 28-ўрта мактаб вакили А.Ильясов 2001 йил 1 декабрь куни тумандаги «Сойкечар», «Равишан» ва «Азиз» фермер хўжаликларидан жами 100000 сўмлик пахта терими пулларини тўлиқ олганлигини прокуратурага ёзган тушунтириш хатида баён этди.

Р.МУҲИДИНОВ,
Жиззах вилояти прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

● Газетхон илҳами ҚОМУСИНГНИ АЗИЗ БИЛ!

Ўзга юртга ҳавас қилма,
Бошида соф осмонинг.
Ғанимлардан чўчима ҳеч,
Бор мард, жасур посбонинг.

Ҳар қунишга шукур қилган,
Тинч яшайсан бу юртда.
Ҳақ-хуқуқинг қаноатлар
Қомусимиз албатта.

Юртин сотган душманларга
Узатмагин асло қўл.
Қону сени ҳимоялар,
Қомус билан бирга бўл.

Қундан-қунга юксалар юрт,
Бун оғу қилган қўл.
Қомусингни азиз билиб,
Ватан байроғини ўл.

Гулноза ҲОШИМОВА

11-модда. Таклифлар, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш муддати

«...Аризалар ва шикоятлар давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса ва ташкилотга тушган кундан эътиборан бир ойгача муддат ичида ҳал этилади, улар масалани моҳиятан ҳал этишлари, қўшимча ўрағини ва текширишни талаб қилмайдиган масалаларни эса 15 кундан кечиктирмай ҳал этишлари шарт...»

Ўзбекистон Республикасининг
«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунидан



Хатлар,
шикоятлар,
жавоблар

ТАҚДИРГА ЧОРА ИЗЛАБ...

Ушбу мактубни ёзишимга «Хуқуқ» газетасининг 6-(217) сонида чоп этилган «Қароқўзим» сарлавҳали мақола туртки бўлди.

Бир қараганда мақола қаҳрамонлари Исмаил билан Гулзоданинг хатти-ҳаракатларидан ҳайратга тушиш мумкин. Наҳотки киши ўз фарзандидан воз кечса? Аммо мулоҳаза қилиб кўрсангиз, таажжубга ўрин йўқлигига амин бўласиз.

Айтишларича, Аллоҳ таоло одамларни жамики жонзотлар ичида азизу муқаррам қилиб яратиб, шу билан бирга, турфа синовларга дучор қилар экан. Исмаил билан Гулзода оиласида ногирон фарзанд туғилиши улар учун бир синов. У фарзандни ногиронлар уйига топшириш ҳаракатида тушиб қолганликлари ота-онанинг тақдир синовидо иккиланаётганидан дарак беради. Тақдирга тадбир тополмай тараддудланаётганлар оми? Бундан ажабланмаслик керак, аксинча, қишлоқ қариялари, оқсоқоллари Исмаил билан Гулзодага бундай қилиш ўзбекчиликка, элчиликка тўғри келмаслигини тушунтирсалар қандай бўлар экан?

Нима бўлганда ҳам, ушбу воқеа кўпчиликка сабоқ бўлса ажаб эмас.

Элмурод МАҲМАРАЙИМ ўғли,
Самарқанд вилояти



Ҳамкорликда ҳикмат кўп. Шу маънода жиноятчиликка қарши кураш ва ҳаётнинг барча жабҳаларида қонуни устуворлигини таъминлаш асосий вазифаси бўлган прокуратура ходимларининг бундан энг манфаатдор кишилар — жамоатчилик билан юзма-юз учрашуви, муаммолар юзасидан фикрлашиб олиши муваффақият гаровидир.

Суратда: Галлаорол тумани прокурори С.Шерназаров «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида жамоатчилик вакиллари билан мулоқот ўтказмоқда.

● «Хуқуқ»да босилмаса ҳам...

ЕР ҚАЙТАРИБ БЕРИЛДИ

Олот тумани прокуратураси томонидан фуқаро Ш.Чориевнинг шикоят юзасидан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, Бухоро вилоят Адлия бошқармаси томонидан унинг аризасида қайд этилган вазир бўйича 2001 йилнинг июль ойида Қорақўл туманларо фуқаролик судида даъво аризаси кўзга тутилган бўлиб, унда Ш.Чориевга «Амударё» ширкат хўжалиги томонидан 2001 йил 23 мартда қўлланган интизомий жазо чорасини ноқонунийлиги учун бекор қилиш, ижара шартномаси асосида ажратилган 5 гектар ерни унга қайтариш, иш ҳақини ҳақдан ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Р.Ҳамроев томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш сўралган.

Иш судда қўрилиши жараёнида Ш.Чориев қўшимча даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Адлия бошқармасининг даъво аризасида унга апрель ойига қадар бўлган иш ҳақи ундирилиши кўрсатилганлигини, ле-

кин у апрель ойидан то ҳозирги кунга қадар ишсиз юрганлиги учун иш ҳақи олмаганлигини, ана шу суммани ундириб беришни сўраган.

Қорақўл туманларо фуқаролик ишлари бўйича суди томонидан 2001 йил 27 июлда даъво қисман қаноатлантирилиб, «Амударё» ширкат хўжалигининг 2001 йил апрелдаги қарори ғайриқонуний деб топилиб, 5 гектар ерни Ш.Чориевга олиб бериш, ширкат хўжалиги пудратчиларининг 2001 йил 23 мартдаги умумий йиғилиши қарорини қонунга ҳилофлиги учун бекор қилиш, ундан ундирилган ўртача иш ҳақининг 30 фоизи миқдоридеги жаримани Ш.Чориевга қайтариш, ширкат хўжалигидан Ш.Чориевнинг фойдасига 2000-2001 йил ҳисобидан олинмай қолган 87986 сўмни ундириш ҳақида қарор қабул қилинган.

Бундан ташқари, ушбу қарор билан бошқарув раиси Р.Ҳамроев ва бош ҳисобчи Р.Жумаевдан Ш.Чориев фойдасига 10000 сўм моддий

зарар, 15000 сўм маънавий зарар ундирилган.

Мазкур қарордан норози бўлиб, бошқарув раиси Р.Ҳамроев Бухоро вилоят фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида мурожаат қилган. Судлов ҳайъатининг ажримига асосан, 2001 йил 25 сентябрь кунини Қорақўл туманларо фуқаролик ишлари судининг 27 июлдаги қарорига ўзгартириш киритилиб, Р.Ҳамроев ва Р.Жумаевлардан Ш.Чориев фойдасига 25000 сўм моддий ва маънавий зарар ҳамда 2950 сўм давлат божини ундириш ҳақидаги қисмлари бекор қилинган.

Ариза юзасидан текшириш ўтказилиши муносабати билан жорий йилнинг 30 январь кунини туман прокуратурасининг араалашувидан сўнг, суднинг ҳал қилув қарори ижроси тўла таъминланди.

Х. ҶУЛИЕВ,
Олот тумани прокурори

● Мададталаб мактуб ҚАРЗ БЕРИБ, ПУШАЙМОН БЎЛДИМ

1996 йил январь ойида ҳамкасбим Ҳ.Илдошев божаси М.Тожибоев билан уйимга келиб, қирқ минг сўм қарз сўради. Пул М.Тожибоевга керак экан. Ҳамкасбим хурмати бердим. М.Тожибоев пулни бир ой ичида қайтариши тўғрисида тилхат берди. Аммо йиллар ўтди ҳамки, қарзини тўламади. Ниҳоят, 2000 йилда Гулистон шаҳар судига даъво аризаси билан мурожаат қилдим. Иш Сирдарё туман судида 2000 йил 17 август кунини судья Н.Мансуров раислигида кўриб чиқилиб, жавобгар М.Тожибоевдан 277600 сўм ундириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Суд қарори ижросини ким амалга оширади? Бир неча марта тегишли органларга мурожаат қилдим. Лекин ҳалигача натижа йўқ.

Ушбу иш бўйича яна бир саволим бор эди: М.Тожибоевнинг турар жой манзили ва телефон рақами бўлишига қарамай, у жавобгар сифатида суд мажлисида олиб келинмади. Суд сиртдан қарор чиқарди. Шундай қилиш мумкинми?

Азми СУЛАЙМОНОВ,
Мирзаобод тумани

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ

Шарқда қадим-қадимдан бағрикенглик, кеңиримлилик улугъ фазилат саналган. Бугун Ватанимизда бу инсонпарварлик тамойилига тақрор ва тақрор муружаат қилинаётганлиги буюк аждодларимиз анъаналарини давом эттириш, уларни мазмунан бойитиш, қадриятларимизни тиклаш, деб баҳоланмоғи керак.

Амнистия тўғрисидаги фармонларнинг ҳар йили мамлакатимизнинг энг улугъ байрами — Мустақиллик куни муносабати билан эълон қилинишида ҳам ўзига хос маъно бор. Шу ўринда амнистия жиноятчиликнинг олдини олишга, криминоген вазиятни яхшилашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш лозим.

2001 йил 22 августда эълон қилинган амнистиянинг инсонпарварлик жиҳатини шундан ҳам билса бўладики, унда халқимизга хос бўлган инсонийлик фазилатлари жуда кўп. Улар ичида бағрикенглик, меҳр-муруват алоҳида ўрин тутлади. Маълумки, Амнистия фармони билан боғлиқ ишлар тўхтатиб қўйилмайди. Амнистия билан боғлиқ тадбирлар изчил жараён бўлиб, узлуксиз давом этади. Ушбу ҳужжатга асосан озодликдан махрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни жамиятга мослаштириш, муайян моддий ёрдам кўрсатиш, даволаш, ижтимоий кўника марказлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, даволаш муассасалари, ички ишлар органлари ва меҳнат биржаларининг биринчи галдаги вазифасидир. Мазкур масала билан боғлиқ қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлаш эса прокуратура органлари зиммасига юклатилган.

Ҳўш, ўтган ярим йил мобайнида бу борада қандай ишлар қилинди, бу жараёнда қандай муаммолар келиб чиқди? Биз шу каби саволлар билан меҳнат биржалари, кўника марказлари, ички ишлар органлари, прокуратура органлари билан боғлиб, уларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

О. ОПИРОВ, Мирзо Улугбек тумани ИИБ профилактика инспектори:

— Озодликка чиққан шахслар энг аввал ИИБ бўлимида рўйхатдан ўтказилади. Кейинги ўринда амалга оширадиган ишимиз уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашдир. Яъни, қамқоқдан қайтиб келганларга тирикчилигини йўлга қўйиб, ўзини ўнглаб олиши учун ёрдам пули берилади. Бундан кейин эса уларни ишга жойлаштириш, паспортини ҳисобга қўйиш, паспортни йўқларга тегишли тартибда паспорт олишларига ёрдам бериш, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш каби ишлар ҳам бевосита амалга оширилади. Бу борадаги ишларни албатта, туман меҳнат бўлими, ижтимоий кўника марказлари, жойлардаги профилактика назоратлари билан ҳамкорликда амалга оширамиз.

Шу ўринда бир мулоҳазани ҳам айтиб ўтиш ўринли, деб биламан. Гувоҳи бўлганингиздек, озодликдан махрум этилган шахсларга амнистия акти бўйича муруват кўрсатилиб, улар озодликка чиқарилади. Айни пайтда ҳукуратимиз бу билан кифояланиб қолмай, уларни ижтимоий ҳаётга кўника ҳосил қилгунарига қадар тегишли миқдорда маблағ билан таъминлайди, ишга жойлаштириш борасида имкониятлар яратиб берилади. Аммо афсуслар бўлсинки, шунча гамхўрлик қилинишига қарамай, улар орасида жазони ўтаб, ўзига тегишли хулоса чиқармаган айрим шахслар ҳам учрамоқда. Ҳатто баъзан, ижтимоий ёрдам сифатида ажратилган маблағга ўша куннинг ўзида спиртли ичимлик ичиб, кўнгилхушлик қилиш ҳолларининг гувоҳи бўлдик.

Тўғри, пулни қандай ва нима мақсадда сарфлаш ҳар кимнинг ўз ихтиёри. Лекин оёққа туриб олиш ва бирон-бир фойдали ишнинг ўрнига маблағни беҳудада сарфлашлари кишини ўйга толдиради. Балким, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун бирон-бир чора-тадбир ишлаб чиқиш зарурмикин?

Шу билан бирга, туман прокуратурасининг ташаббусига кўра йўлга қўйилган ва анъанага айланиб қолган бир хайрли иш хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Ҳафтанинг ҳар шанбасида туман прокурори билан биргаликда жойларга чиқиб, тарбияси оғир воғга етмаганлар, жиноят содир этишга мойил шахслар билан суҳбатлар ўтказиш, шунингдек фуқароларни қизиқтирган саволларга жавоб беришга, муаммоларини эшитиб, имкони борича ўша жойнинг ўзида уларнинг ечимини топишга ҳаракат қиламиз.

**Дунё ям-яшил
ва гўзалдир. Кимки
ундан ҳақли равишда
ҳалоллик билан олса,
ундан барака
топади. Кимки
нафс хоҳиши билан
дунёни муккасидан
кетиб эгалласа,
қиймат куни
дўзахдан бошқа
нарсага эришмайди.**

ҲАДИСДАН

А. БОБОЖОНОВ, Мирзо Улугбек тумани ИИБ ҳудуд катта нозир:

— Амнистия акти асосида жазодан озод этилган шахсларни рўйхатга олиш, улар устидан назорат олиб боришда кенг жамоатчилик ёрдамидан фойдаланаямиз. Худудда истиқомат қилувчи бундай тоифадаги шахсларнинг ўзлари ҳам вақти-вақти билан милиция таянч пунктларига келишади, бизнинг ўзимиз уларнинг яшаш шароити, қандай турмуш кечираётганлиги билан бевосита турар жойларига чиқиб танишиб чиқаямиз.

Лекин баъзи муаммоларга ҳам дуч келаямиз. Масалан, жазони ўташдан озод этилган шахсга нисбатан чиқарилган суд ҳужжатларини ўз вақтида олишдаги қийинчиликлар мавжуд. Бу эса шахсни маъмурий назоратга олиш ишларининг кечикишига олиб келмоқда.

Б. ҲАҚНАЗАРОВ, Мирзо Улугбек тумани прокурори:

— Президентимизнинг Амнистия тўғрисидаги Фармони асосан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар томонидан қайта жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, фармон моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш чораларини кўриш юзасидан ИИБ, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими, ижтимоий мослашув маркази, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадида туман прокуратурасининг фармойиши қабул қилинди.

Унга кўра, туман ҳудудидаги маҳаллалар 15 та гуруҳга бўлиниб, ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилади.

Туман прокуратурасининг асосий эътибори фармон асосида жазодан озод қилинган шахсларнинг тўлиқ ҳисобга олиниши, ишга жойлаштирилиши ва уларга моддий, маънавий ва тиббий ёрдам кўрсатилиши, ногирон ва кексаиб қолган шахсларни ногиронлар ва қари-ялар уйларига жойлаштириш, жазодан озод қилинган воғга етмаганларни ота-оналарининг, шунингдек, васийлик ва ҳоимлик органларининг назоратига топширилиши, зарур ҳолларда тегишли таълим муассасалари-

га юборилиши масалаларига қаратилди.

Туман ички ишлар бошқармаси томонидан амнистияга асосан озодликка чиққан шахслар рўйхатга олинган. Шундан уларнинг қарийб барчасининг паспорти тикланиб, тегишли равишда рўйхатдан ўтказилди. Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими, туман прокуратураси, ижтимоий кўника маркази ҳамда ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган тадбирлар жараёнида ҳозирги кунда 346 нафар шахс ишга жойлаштирилган, 105 нафари эса ўз кучи билан ишга кирган.

Туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ва унинг жойлардаги муассасалари томонидан тиббий кўриқдан ўтказилган ва кўрик натижалари бўйича турли кўриқдаги касалликка чалинганларга даволашни муассасаларига йўлланма берилган. 86 нафар шахс ишга лаёқатсизлиги ҳақида тиббий меҳнат экспертиза комиссияси хулосаси тузилган.

Бироқ, баъзи мутасадди идораларнинг фармон асосида жазодан озод қилинганларни ишга жойлаштириш, моддий ёрдам кўрсатиш, профилактик ҳисобга олиш ва тарбиявий ишларни ўз вақтида амалга оширмаганлиги оқибатида жазодан озод этилган шахслардан 10 нафари қайта жиноят содир этганилиги аянчли ҳолдир.

Хусусан, Феруза даҳасида истиқомат қилувчи Р. Рамазонов 2001 йил 24 октябрь куни амнистияга биноан озод этилган. Лекин орадан кўп ўтмай, аниқроғи 2001 йилнинг 4 ноябрь куни ўз уйда безорилик жиноятини содир қилганлиги учун унга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзга тилган.

Туманнинг ТТЗ-4 даҳасида истиқомат қилувчи С. Исломуҳжаев эса 2001 йил 13 сентябр куни озодликка чиққан бўлишига қарамай, шу йилнинг 29 октябрь куни ўғирлик жиноятини содир қилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга бепарқ қарамастик, улар билан доимий равишда алоқа ўрнатиш ва уларнинг тақдирини қилиб қилиб боришга нафақат ушбу вазифа юклатилган мутасадди идораларнинг, балки ҳар бир киши, кенг жамоатчиликнинг ҳам эътиборини қаратиш лозим. Бу борада жамоатчиликнинг ҳиссаси алоҳида ўрин тутишини таъкидлашни истардим.

Жазони ижро этиш жойларидан озод этилган шахслардан айримларининг оиласи, турар-жойи умуман йўқ. Шу сабаб дастлаб уларни жойлаштириш муаммосига дуч келдик ва туман ҳокимияти билан ҳамкорликда бу масаланинг ҳам ечимини топишга муваффақ бўлдик.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ.

Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

Ислол КАРИМОВ



Шайхонтоҳур туманида меҳнат ярмаркаси.

А. ТўРАЕВ олган сурат

М. КАРИМОВА, Шайхонтоҳур тумани меҳнат биржаси раҳбари:


— Президентимизнинг Амнистия тўғрисидаги фармони асосан, умуман, жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаб қайтган фуқароларнинг яна жиноят кўчасига кириб кетишининг олдини олиш долзарб вазифа. Бу борада туманимиз миқёсида қилинган ишлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтирмай, мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар туман ҳокимияти, прокуратура, ИИБ ва кўника маркази ҳамкорлигида кечяётганини айтиб ўтишим жоиз.

Маълумки, озодликка чиққан фуқаро дастлаб яшаш жойидаги ИИБга муружаат қилади. Бизнинг туман ички ишлар бошқармаси билан келишувимизга мувофиқ, ҳужжатлари тайёр бўлган, уларни тўғридан-тўғри меҳнат бўлимига юборишади. Меҳнат бўлимида уларнинг ижтимоий аҳоли ўрганилиб, ишга ёки ўзимизда мавжуд бўлган касбга йўналтирувчи ўқув курсларига жўнатамиз.

Туман прокуратураси кўника маркази, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ишлаш жараёнида дуч келинадиган муаммоларни ҳал этишда яқиндан кўмак бериб турибди.

Кўника марказлари фаолияти кўпинча жазони ўташ жойларидан қайтган фуқароларга моддий ёрдам бериш билан чекланиб қолади. Мутахассис ходимлар сонини ошириш билан бу муаммони ҳал қилиш мумкин, менимча. Шунингдек, меҳнат бўлими билан доимий боғланиб ишловчи ходимларга ҳам зарурат бор.

Шу ўринда яна бир тақлиф, жазони ўтаб қайтган фуқароларнинг аксариятини ёшлар ташкил этишини инобатга олиб, комиссия таркибига туман ҳокимлигининг мудоффа ишлари бўйича бўлими ходимларини ҳам жалб этиш керак. Ана шунда узилишлар бўлмай, уларнинг ҳужжатларини тўғрилаш вазифаларига масъулият ҳисси янада ортади.



ЯНА БИР ТЕРАКТ

Ўтган жума куни Филиппиндаги ороллардан бирида юз берган портлаш оқибатида беш киши ҳалок бўлган, 42 киши эса жароҳатланган. Шаҳар деҳқон бозорида қайд этилган бу машъум воқеага қўл гранатасининг портлаши сабаб бўлган. Орол ҳарбий гарнизони бошлигининг таъкидлашича, мазкур кўпоровчилик ҳаракати Абу Сайёф раҳбарлигидаги айирмачи гуруҳлар томонидан амалга оширилган бўлиши мумкин экан.

ҚАРАШЛАР ЎЗГАРДИ

АҚШ ҳукумати вакили афгонистонлик террорчилар Грузия худудида яширинган бўлиши мумкин, деган тахмин илгари сурилаётганлигини маълум қилган.

— Биз Грузия ҳукуматига мамлакат мудофаа вазирлигини ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш режасини тақдим этамиз. Шунингдек, иккала давлатнинг қуруқликдаги қўшинларидан террорчи гуруҳларга қарши курашувчи махсус кучлар ташкил этиш хусусидаги тақлимимиз ҳам илова этилади, — деган АҚШ вакили журналистларга берган интервьюсида.

Москва ва Вашингтоннинг Грузия худудига ўрнашиб олган террорчиларнинг хуруж қилиб қолишлари борасида яқдил фикрга келишлари расмий Тбилисининг бу масалаларга қарашларини кескин ўзгартиришга мажбур қилди ва мамлакат раҳбарияти Панкисс камарида ҳақиқатан жангарилар борлигини эътироф этди.

Афғонистон Ислом давлатида узоқ вақт давом этган фуқаролар уруши мамлакатни катта йўқотишларга олиб келганлиги эътироф этилмоқда. Ҳўш, афғон заминидан истиқомат қилаётган халқнинг эрқу иродаси ана шундай йўқотиш-у зулмга маҳкумиди? Маълумки, 1990 йилларнинг ўрталарида ўзларини шариат пешволари деб эълон қилган бир гуруҳ кишилар толибон ҳаракати байроғи остида мамлакатнинг асосий қисмини куч ишлатиш йўли билан эгаллаб олди ва мамлакатда шариат қондаларини жорий қилди. Бир кун жанжал чикқан уйдан қирқ кун барака кетади. Мамлакатда энди оёққа тураётган ишлаб чиқариш издан чиқди. Таълим, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги бесамар соҳага айланди. Ишсизликнинг кўпайиши ўзи шундоқ ҳам қийналган халқ турмушини бундан-да оғир аҳволга солиб қўйди. Террор деган иллатнинг четдан «ҳомийлари» пайдо бўлди. Шундай бир пайтда эртасини ўйловчи кишилар мамлакатни тэрқ этдилар. Маълумотларга қараганда, Германия, Англия, Туркия, Россия ва бошқа кўллаб хорижий давлатларда юз минглаб афғон муҳожирлари яшамоқда. Бу муҳожирларнинг кўпчилиги бугун ўз юртида толиблар ҳукуматининг ағдарилганлигидан мамнуликларини яширмаяптилар. Ватан соғинчи афғонларни бирлаштириб, энди унинг тақдирига масъулият ҳиссини уйғотапти. Чет эл фуқаролигини қабул қилган бундай муҳожирларнинг аксарияти бугун ўз ватанига қайтиб, ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарини қайта жонлантиришга тайёр эканликларини билдирмоқдалар.

шу йил март ойи бошларида Россияга ташрифи ҳақидаги тақлифни қабул қилди. Бу орада томонлар икки давлат ўртасидаги иқтисодиёт, ташқи сиёсат бўйича ўзаро ҳамкорликни давом эттиришади.

Афғонистоннинг ўттиш даври иқтисодиёти ва халқаро майдондаги алоқаларини ривожлантириш, табиийки, мамлакатнинг янги раҳбари зиммасига тушади. Шу жиҳатдан ҳам 21 март куни Кобулда «Лойи жирға» (афғон оқсоқоллари ва етакчи сиёсатчилар кенгаши)нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади. Унда Афғонистоннинг янги раҳбари сайланади. Ҳозирда мамлакатнинг янги раҳбари этиб ким сайланиши борасида турли фикрлар илгари сурилаяпти. Кенгашда Афғонистондаги мавжуд этник гуруҳлар ва сиёсий кучлар манфаати тенг равишда ҳимоя қилиниши билдирилмоқда. Мазкур сиёсий тадбирга халқаро ташкилотлар ва кузатувчиларнинг ҳам тақлиф этилиши назарда тутилган.

Афғонистондаги мақсадсиз урушнинг барҳам топганидан

ЖАБРИНИ ТИНЧ АҲОЛИ КЎРМОҚДА

Фаластинлик жангарилар Исроил ҳаво кучларининг зарбаларига жавобан Қфар-Азза (шимолий Исроил худудидида жойлашган) ширкат хўжалигига қарата «Кассам-2» ракетасидан зарба берган. Ракетанинг мўлжалга келиб портлашига қарамасдан, ҳеч бир фуқарога зиён етмаган.

Кузатувчиларнинг фикрича, бу ҳужумни ҳам одатдагидек исроилликлар жавобсиз қолдиришмайди. Бир-биридан қолишмаслик эса, асосан фаластинликларга қиммат тушмоқда. Масалан, ўтган ҳафтанинг жума оқшомида Исроил ҳаво кучларининг Ф-16 қирувчи самолётидан берилган зарбалар натижасида бир неча фаластинлик қурбон бўлган ва йигирмага яқини оғир жароҳат олган эди.

МАРИХУАНА ШАҲРИ

Швейцариянинг Германия билан чегарадош худудидида жойлашган Базель шаҳри марихуана сотиш ва истеъмол қилиш бўйича «Европа пойтахти» мақомини олди, дейилса муболага бўлмас экан.

«Новости» ахборот агентлиги тарқатган хабарга қўра, бутун Европа мамлакатлари ёшлари ушбу шаҳарга унинг диққатга сазовор жойларидан баҳраманд бўлиш учун эмас, айнан марихуананинг «висоли»га етишиш мақсадида ошиқадилар. Негаки, Базельда гиёҳвандлик моддаси ушбу турунинг яширин савдоси яҳши йўлга қўйилган бўлиб, баҳоси ҳам ҳаммабодир.

Австриянинг «Кронен цайтунг» газетасининг ёзишича, айни пайтда марихуана олди-бердиси бир пайтлар шаҳарнинг фахри бўлган қандолат маҳсулотлари савдосини орта қолдириб кетган. Базель шаҳар прокурори Маркус Мельцль ҳам бу борада ўз вазирини билдириб, марихуана ва бошқа гиёҳванд моддалар савдоси аллақачонлар назоратдан четга чиқиб кетганлигини эътироф этган.

ЯПОНЛАР ҲАЙРАТДА

Футбол бўйича ўтказилмайдиган жаҳон чемпионатида Жанубий Корея ва Япония давлатлари муносиб тайёргарлик қўраётганлиги хусусида оммавий ахборот воситалари кўллаб хабарлар тарқатмоқда. Айни вақтда эса Япония полициясининг оммавий тартибсизликларга қарши курашишга мўлжалланган қисмлари англиялик футбол ишқибозлари томонидан юз бериши мумкин бўлган тўполонларни бартараф этишга қаратилган машғулотларни бошлаб юборган. Мамлакатга Буюк Британиядан 5-10 минг атрофида ишқибоз келиши кутилмоқда. Бағоят батартиб ва тинчликсевар японлар эса полиция томонидан «сахналаштирилган» тартибсизликларни қўриб, футбол ўйини натижасида шунақа тўполонлар келиб чиқишидан таажубланмоқдалар. Мамлакатдаги суғурта компаниялари эса вазиятдан фойдаланиб, фуқароларга суғурталашнинг янги шари — «фанатлардан ҳимоя» хизматини тақлиф этмоқда.

Дунёга машҳур «Dovbeqay Broadsay» бизнес адабиётлар нашриёти «ENRON» компаниясининг собиқ ходими Шэрон Уоткинсга компаниянинг банкротга учраши ҳақида китоб ёзишни тақлиф қилиб, эвазига 500 минг АҚШ доллари тўланишини ваъда қилган. Худди шундай тақлифга рози бўлган журналистлар Бэфни Мак-Лин ва Питер Элкинс эса «Penguin» нашриётдан 1,4 миллион доллар олиб, ишга киришганлар.

Ҳиндистон-Покистон можароси терроризмга қарши курашга бел боғлаган ушбу давлатлар ўртасида яна бир тўсиқ пайдо бўлишига олиб келди. АҚШ сафаридан қайтган президент Парвез Мушарраф Покистонни қурол-яроғ билан таъминлашга ваъда берган АҚШни ўзининг стратегик ҳамкори, дея мамнуният билан қайд этди.

Бундан бироз муқаддам эса Россия Бош вазири ўринбосари И. Клебанов Ҳиндистон армиясига Россия ўзаро имзоланган шартномага мувофиқ 4 млрд. долларлик замонавий қурол-аслаҳа етказиб берилишини маълум қилган эди.

ҲАМКОРЛИК САРИ

Биринчи рақамли террорчи Усома бен Ладен тақдири ҳақида ҳамон бир-бирига зид хабарлар тарқатилмоқда. Покистон президенти генерал Парвез Мушарраф бу ҳақда террорчи ҳамон Афғонистонда, деган фикрни баён этди. Покистон раҳбари АҚШнинг Афғонистондаги аксилтеррор операциялари пайтида Усома бен Ладен оғир буйрак касаллиги билан ўлган бўлиши ҳам мумкин, деган фикрда.

Мамлакатда ижтимоий вазият аста-секин ўнғилана бормоқда. Хал-қаро ташкилотлар томонидан кўрсатилган инсонпарварлик ёрдамлари вазиятни юмшатиш учун хизмат қилаётган бўлса-да, аммо, озиқ-овқат тақчиллиги, дори-дармон етишмаслиги сезиларли муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Афғонистонда маданий ҳаёт аста-секин ўз изига туша бошлади. Ўтган ҳафта Кобулда сўнгги 10 йилдан сўнг биринчи бор кинотеатрларда кино намойиш этилди. Узоқ йиллик таъқиқлардан чарчаган қобулликлар учун бу кун ҳақиқий байрамга айланди.

Мамлакатда муваққат ҳукумати шакллантириш борасида сезиларли қадамлар ташланаяпти. Бугунги кунда муваққат ҳукуматнинг эътибори мамлакатда миллий мудо-

фаа тизимини шакллантиришга қаратилган. Кўпчилик янги шаклланаётган афғон армияси сафларига қўшилиш истаги билан чиқмоқда. Ўтган ҳафта мамлакат Мудофаа вазири генерал Муҳаммад Фахим Россия Федерациясида бўлиб, афғон армиясини зарур ҳарбий техникалар билан таъминлаш борасида музокаралар олиб борди. Кези келганда айтиш керакки, 80-йилларнинг бошларида Афғонистоннинг юқори мартабали ҳарбийлари Россия билан ҳарбий соҳада ҳамкорлик ҳақида илк музокаралар ўтказишган эди. Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбарининг ўринбосари ҳамда Мудофаа вазири генерал Фахим энг аввало, мамлакатда ҳарбий ислохотларни бошлаб олиш иқтисодий барқарорликка ҳам ҳисса қўйишини қайд этди.

— Биз Россиядан янги қурол-яроғ сотиб олмаимиз, армиямизга фақат мавжуд қурол-яроғлар учун эҳтиёт қисмлари зарур, — дея баёнот берди вазири. Музокараларда Россия томони Афғонистон армиясига зарур амалий ёрдам кўрсатилишини маълум қилди.

Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай расмий Москванинг

манфаатдор бўлган давлатлар сони ҳам ортиб бораёпти. Айниқса, мамлакатимиз ҳукуматининг бу борадаги саъий-ҳаракатлари мазкур заминда тинчлик ва тотувлик мустаҳкам бўлишига хизмат қилмоқда. Термиз дарё портидаги икки мамлакатни бирлаштирувчи Ҳайратон кўпригининг очилиши дўстлик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Бугунги кунда мазкур кўприк орқали Афғонистонга халқаро инсонпарварлик юклари етказиб берилаяпти. Шундай бир пайтда ҳали-ҳамон бу эзгуликларни турли шов-шувларга «буржаб» талқин қилаётган «сиёсатдон»лар ҳам йўқ эмас. Халқимиз бундай «буйортма» шовкинларнинг қўпига гувоҳ бўлган, оқ-қорани яҳши ажратади, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Минтақа хавфсизлиги ва тинчлиги мамлакатимиз сиёсатининг устувор тамойилига айланди. Энди ён қўшини Афғонистонда қўлга киритилган тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган саъий-ҳаракатларга кўмак бериш, дўстона алоқаларни ривожлантириш халқимиз манфаатларига тўла мос тушади.

Дилмурод ЭШМУРОДОВ,
шаҳрловчи

● ОФРИҚ НУҚТАЛАР

Аёл ҳақида қалам тебратмоқ мушкул. Айниқса, ёмон аёллар ҳақида. Улар тўғрисида ёзаётганимда қалам қуяётгандек, дил эса зир-зир титраётгандек бўлаверади.

Шарқда азал-азалдан аёлларнинг ахлоқ-одоби, шарм-ҳаёси юқори баҳоланган. Қизи бор хонадон қавмлари томонидан кўздек асралган. Шунинг учун бўлса керак, аёл доимо гулга қиёсланади. Аммо туппа-тузуқ оиласи, гулдек фарзандлари бўла туриб, хиёнат йўлига кирган аёлларни, ҳали ўн гулдан бир гули очилмай, танасини пуллаётган баъзи бир қизларни кўриб, аёл бўлиб яралганидан уялиб кетасан киши.

дим ўзимга ўзим. Аммо ҳаёт ҳар доим сизнинг йўригингизга юрар-вермас экан. Катта шаҳарда «ялло» қилиб юрдим. Ўзбошимчилигим бошимга етди. Алдандим. Қорним қаппайиб уйга қайтганимни кўрган ота-онам оқ қилишди. Яна Тошкентга қайтдим. Фарзандимни туғдиму, болалар уйининг эшиги тагига ташлаб кетдим. Шундан кейин танамни сотиб кун кўришдан ўзга иложим қолмади. Бу ерларга тақ-

Оналик буюк бахт. Бу бахтга эришолмай бағри куйганлар қанча. Аммо тирноққа зор бўлганлар қанча бўлса, ўша «тирноқ»ни хор қилаётганлар ҳам улардан кам эмас...

Гурцева Евгения. 1966 йили Қарши шаҳрида туғилган. Иккита гулдек фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Гурцев Виктор ҳам биров кўрса ҳавас қилгудек йигит. Аммо... Мана шу аммодан кейинги воқеаларни қаламга олишга юрак безиллайди. Нега ҳаёт бир зайдла кечмас экан-а? — дея ўйлайман. Ёки шу нотекисликларнинг ўзи биз учун синонимикан?!

ИЛДИЗЛАРИНГ ҚАЙДА,

ИЗТИРОБ?

Мен бир аёлни биламан. Яхшигина лавозимда ишлайдиган эри, иккита кўгирчоқдек фарзанди бор. Лекин у хиёнат йўлини тутган.

Бир куни дугонам ҳаммаси ҳақида гапириб берди. «Жуда билимли, ақлли аёл. Лекин «юради», деди у сирли қилиб. «Нега?» дедим ҳайратимни яширолмади. Чунки, «ақлли» аёлнинг қилмишини тасаввуримга сиғдирилмасдим-да. Дугонамнинг айтишича, аёлга эри хиёнат қилган экан. Эрига жадл қилиб, у ҳам шу йўлни тутибди.

Хайратдан ёқа ушлайсан киши. Наҳотки, мунис, меҳрибон дея таърифлаганимиз аёл хиёнатга хиёнат билан жавоб берса?!

Касбимиз тақозоси билан вилот-теританосил касалликлари диспансерида бўлдим.

— Даволаниб чиққанидан кейин ҳам турмуш тарзини ўзгартирмай, бу ерга қайта-қайта келаётган аёллар ҳам бор, — дейди врач куйиниб. — Уларга минг тушунтирмам, олдингида «хўп» деб туришадидек, бу ердан чиққан, яна билганларидан қолшимайди.

— Мумкинми ўшандай аёллар билан учурашасан?

Врач улардан бирини чақиргани чиқиб кетди. Ҳозир хонага ўзига оро берган, сочлари ажабтовура турмакчанган аёл кириб келса керак, дея ўйлайман. Шунда эшик секин тақиллаиди. Журъатсизгина кириб келган аёлни кўриб тасав-

вурларим тумандек тўзғийди. Қаршимда кўринишидан 35-40 ёшлардаги кўримсизгина аёл турарди. Юзларини ажин босган, озгин елкаларида осилиб турган кийимлари ҳам афтодаҳол. Оёқларида шиппак.

— Нега шу йўлга киргансиз? — дея саволга тутаман уни.

— Мақтабда ахши ўқирдим. Университетда ўқиб бирдан-бир орузим эди. 11-синфни тугатгач, ўқишга кириш учун Тошкентга йўл олдим. Аммо омадим чопмади. Ўша куни кечаси билан йиллаб чиқдим. Қишлоққа қайтишга юзим чидамасди. Чунки ҳамма менинг ўқишга киришимга ишонарди. Қўлимга қалам олиб, уйга хат ёздим. «Отажон, онажон, ўқишга кирдим».

Орадан бир ой ўтиб, уйга талабадек кириб бордим. Ҳамма мени табриклади. «Ҳозирча Тошкентда ишлаб турай, кейинги йили албатта ўқишга кираман», дея сўз бер-

дир тақозоси билан келиб қолганман.

Аёлга қараб ҳам ачиндим, ҳам нафратландим. Ахир танани сотиб кун кўриш сўнги чора эмас-ку!

Аёлниг бутун қудрати санб-тоқатда дейдилар. Сабрли бандасига ҳар доим Оллоҳ иноят кўрсатади. Ҳаётда аёл бўлиб яшамок осон эмас. Тараққиёт, замонавийлик ҳеч қачон аёлниг юзидаги ҳаё пардасини кўтаролмайди, албатта аёлниг ўзи буни истамаса...

ГУЛИ РУҲ,
журналист

нада Насиба пайдо бўлди.

— Нима дейсан онасига?

— Пул қани? Етти ойдан бери қалқиллатиб келасан, бер пулимни!

— Мана сенга пул! — Насиба

мулиб. Аммо пул деса шайтоннинг кўзини боғлайдиган почча пинагини ҳам бузмади.

— Қанақа пул? — деди.

— Қанақа пул бўларди? Сизларга берган 300 минг сўм-да.

ОМОНАТ

қўлига илинган кострюлька билан синглизининг бошига туширди. Ўртада жанжал бошланди. Кўрган киши улар бир қориндан талашиб тушган опа-сингиллар эканлигига ишонмасди. Пул опани сингилга, сингилни опага душман қилиб қўйганди.

— Нима шовқин, нима гап? — Насибанинг эри ўртага тушиб икки аёлни ажратиб қўйди. Аммо уни холис одам деб бўлмасди. Сижоатни лақиллатган тулкилардан энг биринчиси шу — поччаси эди.

— Почча, пулни сўраб келдим. Болаларим қийналиб қолишди. Келиб-келиб ўз қариндошларингизни қажшатасизларми? — деди Сижоат умид билан поччасига тер-

еттинчигача бераман, центрбанкка хат ёздим, дегандангиз-ку!

— Мен сендан пул олганим йўқ. Қани гувоҳинг?

Мунофиқлик белгиси учтадир: ёлгон сўзлаш, ваъдасининг ус-тидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш.

ХАДИСДАН

— Онанг қани? — Уйда, — холасининг важохатини кўрган қизалоқ кўрқанидан ўзини дарвоза панасига олди. Аммо унинг қораси ўчмаёқ осто-

Сижоатнинг бошидан қайноқ сув куйилгандек бўлди.

— Инсофсиз! Кўзингни ўйдираман сенинг!

— Милицияга борасанми? Бир йилдан бери югурдинг. Ким келиб ёқамдан олди? Мени ҳеч ким

ҳеч нарса қилолмайди.

— Кўп катта кетманг, божа! — Хотинининг орқасидан етиб келган Панжи Файратнинг ёқасига чанг солди.

— Ҳе, қизингни...

Поччасининг бу гапи Сижоатнинг қулоғига ўқдек қадалди. Ҳали уч ёшга тўлмаган қизи кўз олдига келди. Ғалати бўлиб кетди. Милиция уларни икки томонга ажратиб юборганда ҳам, уйига келиб болаларининг кир-чирини юваётганда ҳам бу гап ҳеч хаёлидан кетмасди. Қош қорайгач, уйга кирди. Дўмбоқ қизалогини тиззасига олди. Гўё поччаси ҳозир келиб уни юлиб олади-

гандек қаттиқроқ бағрига босди. Кўзларидан оққан ёш қизчанинг сочларига томди.

Эрталаб уйнинг деразасини ёритган қизғиш шуъладан Панжи хайрон бўлди. «Наҳотки кун ёйилгунча ухлаган бўлсам?». Шу ўй миёсидан ўтиши ҳамано ҳовлидан кучли чинқирик эшитилди. Эшикка отилди. Яхшилаб тикилиб, дахшатдан бақриб юборди.

— Сижо-а-ат!


Етиб келган «тез ёрдам» машинаси Сижоатни касалхонага олиб борди. Шифокорлар қанчалик жон куйдиришмасин аёлниг жонини сақлаб қолишининг иложи бўлмади. Унинг ўз жонига қасд қилишига сабабчи бўлган Файрат эса тегишли жазосини олди.

Шу ерда воқеага нуқта қўйсақ ҳам бўларди. Аммо юракни қийнаётган бир сўзни айтмоқни жоиз деб топдик. Ҳўп, Файрат билан Насиба-ку фирибгар экан, лекин Сижоат-чи? Опасини омонатга хиёнат қилганликда айблади. Узини-чи? Фарзандларининг тақдирини ўйламай Оллоҳ берган омонат жонга хиёнат қилмадими?

Лутфия БОЗОРОВА,
Қарши шаҳар
прокурорининг ёрдамчиси

Х.ЭГАМБЕРДИЕВ,
Косон туманларо прокурори,
1-даражали юрист

Саҳифа материалларини Қашқадарё вилояти ҳуқуқ-тартибот органларининг «Адолат қучи» газетаси муҳбири Гулруҳ ЁРМАТОВА тайёрлаган



А. ТУРАЕВ олган сурат

● МУТОЙИБА

«МАХСУС» ХИЗМАТ

— Салом, мумкинми?
 — Салом, ҳўш хизмат!
 — Мен сизга ўз хизматимни таклиф этмоқчи эдим.
 — Марҳамат, зшитаман.
 — Ойига 50 форинт тўласангиз бас, ҳар куни кечкурун соат саккиз билан тўққиз ўртасида келиб телевизорингизни ўчириб кетаман.
 — Кечирасиз, телевизор ўчириш ўзимизнинг ҳам қўлимиздан келади.
 — Ҳай, ундай бўлса мен кетдим.
 — Бир лаҳза сабр қилинг, асли касбингиз нима ўзи?
 — Асосий ишимдан буш вақтларда шунақа иш билан шуғуланаман. Бу атрофда менинг 32 та мижозим бор, хоҳласангиз, суриштириб билишингиз мумкин.
 — Тўшунмадим, нимани суриштириб кўришим керак?
 — Ўз хизматимни белгиланган пайтда виждонан бажаришимни-да. Уйингизга келиб саломлашаман, телевизорни ўчириб, хайрлашиб чиқиб кетаман.
 — Оббо, нима, одамлар телевизорини ўзлари ўчиришолмай-дими?
 — Албатта йўқ, Мана, масалан, доктор Краббе ва унинг хотини телевизорда берилётган ҳар бир кўрсатувни кўришга одатланиб қолишган, доктор ўз илмий ишини бутунлай ташлаб қўйган, ўғли бир неча марта синфдан-синфга ўтолмай қолган. Икки йил давомида хотини телевизор билан банд бўлиб, бирон марта кечки овқат пиширмаган, мени ёллашгандан бери ҳамма нарса ўз ўрнига тушиб қолди... Ҳайр, кетдим, мени кутишайпти.
 — Яна бир лаҳза тўхтанг, битта саволим бор, ахир сиз кетгандан сўнг уй эгалари телевизорни яна қайта қўйиб олишлари мумкин-ку.
 — Ҳа, мумкин, аммо бундай қилишмайди. Пул тўлаб ўчиртиргандан сўнг ким ҳам яна телевизорни қўяди, дейсиз. Улар бундан кўра муҳимроқ ишлар билан шуғулланишади. Фақат телевизорни ўчириб қўйишга қўрблар етмайди, холос. Ҳайр, кетдим, жуда шошиляпман.
 — Яна бир дақиқа тўхтанг, ойига 50 форинт дедингизми?
 — Ҳа, аммо баҳслашадиган бўлсангиз, 70 форинт, агар иш мушталашиганча бориб етса, у холда 100 форинт тўлайсиз.
 — Кечирасиз, мен бу гапингизга тўшунмадим.
 — Биласизми, мени тинчгина ишлашга қўймайдиган мижозлар ҳам бор. Кириб келишим биланоқ улар ўчирманг, деб мен билан баҳшлаша бошлайдилар, ҳатто базилари қўпол сўзлар билан ҳақорат қилишади. Улардан ойига 70 форинт оламан. Мени мушт ишлатишга мажбур қиладиган мижозлар эса ойига 100 форинт тўлашади.
 — Нима-нима, сиз уларни дўпослайсиз-у, улар сизга яна ҳақ ҳам тўлашадими?
 — Албатта-да. Аммо бу ҳол фақат биринчи ойларда юз беради, холос. Ҳайр, кетдим, 32 та хонадон мени кўтиб турибди.
 — Бугундан бошлаб 33 та деяверинг.
 — Демак, сиз ҳам мени ёлламоқчисиз, шундайми?
 — Шундай, балки сизнинг шарофатингиз билан йил охиригача диссертациямни ёзиб тугатарман. Иш ҳақингизни олдиндан тўлаш керакми ёки?..
 — Ҳозирроқ тўлашингиз мумкин.
 — Мана, мана, сиз эса марҳамат қилиб телевизоримни ўчириб қўйинг. Кечирасиз, менда битта 100 форинтлик пул бор экан, майда топиладими?
 — Менда ҳам майда пул йўқ экан, аммо сиз бераверинг. Ахир эртага соат 8-30 да терма командамиз билан Бразилия командаси ўртасидаги футбол мусобақаси олиб кўрсатилади. Орамизда жанжал чўқмаслигига ким қафолат бера олади?
 Йўлдош ПАРДА таржимаси

ДОНОЛАР ЭМИШКИ...

Менга не ёру, не ошиқ ҳавасдур,
 Агар мен одам ўлсам
 ушбу басдур.
Алишер Навоий

Кишининг олим, шоир, файласуф ёки қонушунос бўлиши жуда яхши, аммо у шу хислатлари билан бирга одам ҳам бўлиши лозим.
В. Белинский, рус публицисти

Одамни бойликлари учун эмас, балки амалга оширган яхши ишларига қараб ҳурмат қиладилар.
Араб ҳикмати

Ўзгал хислатларга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас, улардан фойдаланишни ҳам билиш лозим.
Ф. Ларошфуко, француз ёзувчиси

Қайси пайтда тежамкор бўлиш ва қайси пайтда кўпроқ сарф-харражат қилишни билиш ишбилармон кишининг хислатидур.
Демокрит, қадимги грек файласуфи

Туртта фазилат, яъни донолик ва босиқлик, ақл ва адолат инсонни ҳайвондан ажратиб туради.
«Калила ва Димна»дан

Тоғликларнинг айтишича, бирон кишининг ҳақиқий баҳосини билмай дееан одам у ҳақда ептита нарсадан, яъни гамдан, шодликдан, аёл кишидан, қуролдан, оатин-кумудан, шишадан ва унинг ўзидан сўраши керак экан.
Расул Ҳамзатов

Мақтаётган одамнинг ўзи яхши бўлса, демак унинг мақтови ҳам яхшидур.
Сервантес, испан ёзувчиси

Агар одам ваҳший бўлса, у ваҳший ҳайвондан ҳам хавфлроқдур.
Рабиндранат Тагор, ҳинд ёзувчиси

Сийёсий мажбуриятлар ўзгартириши мумкин, аммо одамнинг одамлар олдидоги мажбуриятлари ҳеч қачон ўзгармайди.
Э.Ренан, француз шарқшуноси

Ношукр одам барча ярамлишлар ичида энг ёмонидур.
Авзоний, Рим шоири

Олимлар ўзларини буюк деб аташларини, жасур кишилар ўзларини шер деб аташларини, саҳий кишилар ўзларини Ҳотам деб аташларини ёқтирсалар, дунёдаги барча аёллар учун «сен гўзалсан» дееан сўзлардан яхшироқ мақтов йўқ.
Лопе де Вега, испан ёзувчиси

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ:

Энига: 1. Тарвуз. 3. Жом. 5. Тарози. 7. Қуллоб. 8. Салом. 11. Савлат. 12. Дон. 13. Новвот. 14. Пишлоқ. 16. Талхон. 18. Лағмон. 20. Лашкар. 22. Чўпон. 24. Сур. 26. Август. 28. Арава. 29. Шолча. 30. Канада. 31. Ибн. 32. Навкар.
 Бўйига: 1. Теннис. 2. Зулмат. 3. Жаллод. 4. Маскан. 5. Таллин. 6. Иморат. 9. Қовуш. 10. Шувоқ. 14. Пул. 15. Қон. 16. Тул. 17. Хол. 19. Ғилоф. 21. Круз. 22. Читтақ. 23. Набира. 24. Сухари. 25. Равшан. 26. Арслон. 27. Танбур.

ТУРФА ОЛАМ ТУРФА ОДАМЛАР
ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛУР

Бельгиянинг Брюгге шаҳрида хоҳловчилар атиги бир евро эвазига махмулиқнинг барча жиҳатларини ўз таналарида синаб кўришлари мумкин. Бу ердаги ўқув муассасаларидан бирининг ҳовлисида «ихтиёрий равишда яқка қамалиш учун автоматик турмаҳона» очилди. «Турмаҳона» бир кишига мўлжалланган бўлиб, телефон будкаси катталигидаги алюмин ишоотдир. Турмадаги каби унинг ҳам пўлат эшиги бор, кузатув камераси билан жиҳозланган. «Турмаҳона»га кириш учун автомат тирқишдан бир евро танга ташланади. Шуни ҳам айтиш керакки, «турмаҳона»га қамалган киши ропла-роса беш минут «ўтириш»га мажбур. Шундан сўнггина эшик автоматик тарзда очилади. Чўнтакда пул бўлгач, каллага ҳар хил хаёллар келаверар экан-да. Дарвоқе, бу ҳам пул ишлашининг бир йўли бўлса, ажаб эмас.

● ХАТ ҚУТИ

Тахририятимизга Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани «Уйшун» кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Янгиобод» маҳалласида истиқомат қилувчи Умировлар хонадонидан газетанинг 30 январь сониде берилган кроссворднинг тўлиқ жавоблари битилган мактуб келди. Биз Муҳаммадҷон Умиров ва 12 ёшли зўкко укамиз Жавлон Умировга миннатдорчилик изҳор этиб, келгуси ўқиш ва ишларида зафарлар тилаб қоламиз.

● КРИМИНАЛ

37 КИШИГА 800 МИЛЛИОН

Япон полицияси томонидан мамлакатдаги турли дўконлардан умумий қиймати 800 миллион йенлик товарларни ўғирлашда гумон қилиниб, 37 киши ҳибсга олинган.
 Аниқланишича, машҳур «Ямагути - гуми» мафия синдикати аъзоси Фуитсугу Морисаки мазкур кишилар ҳисобига янги жиноий гуруҳ ташкил этмоқчи бўлган. Гуруҳ бошлиғи ва унинг ҳаммаслақларига айблов эълон қилинган.
 Гуруҳ биринчи марта Кобе шаҳридаги дўкон витриналарини синдириб, 17,7 миллион йенлик қимматбаҳо соат ва бошқа буюмларни ўмариб кетган эди. Морисакининг кўрсатмаларига кўра, гуруҳ аъзолари шундан сўнг мамлакатнинг турли вилоятларида 1100 га яқин ана шундай ўғирликларни содир этганлар. Ўғирланган буюмларни нархи псайтирилган дўконлар орқали сотишган.
 Энди ҳаммаси учун жавоб беришга тўғри келади.



Полковларнинг кўпайси, элим!

● АНА ХОЛОС

«УДДАБУРОН» ЛЮН

Бунақаси ҳали АҚШ ҳуқуқшунослиги тарихида бўлмаган эди. Ингирма етти яшар сянганлик фуқаро Америка паспортини сохталаштирганилик учун жавобгарликдан қутулиб қолиш ва расмий равишда АҚШ фуқароси макромини олиш мақсадида Нью-Йоркдаги 11 сентябрь воқеалари замирида ўз ўлимини сохталаштирганликда айбланыпти. Апрель ойида гаров билан қўйиб юборилган Стивен Чин Люн қўлбаки ижтимоий суурта карточкаси бўйича янги паспорт олишга уринганлиги тўғрисида яна ҳибсга олинди. Бу сафар у акаси номидан иш кўрган.
 Тақдим қилинган сохта ҳужжатга кўра, Стивен гўеки 2001 йил 4 сентябрь куни Бутунжаҳон савдо маркази биносиде жойлашган Cantor Fitzgerald компаниясига ишга кирган ва 11 сентябрдаги террорчилик хуружи тўғрисида фирманинг 658 хизматчиси билан бирга ҳалок бўлган эмиш.
 Барча айбловлар тасдиқланса, Стивен учта жинояти учун жами 35 йилга озодликдан маҳрум этилади. Шунингдек, ҳар бир айблов учун 250 миң доллардан жарима тўлаши ҳам мумкин.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Х. Ҳалимовга отаси **Ашир ҲАЛИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Ўзбекистон транспорт прокурорининг ўринбосари Р. Ҳамидовга отаси **Ғулом ҲАМИДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.